



НУТҚНИНГ ТОЗАЛИГИ МАСАЛАСИ

Бобоходжаев Рашиджон Хашимович

*Тошкент давлат транспорт университети, филология фанлари номзоди,
доцент, “Таҳририй нашриёт ва полиграфия” бўлими бошлиғи*

Аннотация: Мақолада жаргон, арго ва вульгаризмлар каби нутқдаги номақбул тил бирликларининг келиб чиқиши ва уларнинг маданий нутқ тозаллигига таъсири таҳлил қилинади. Бундай сўзлар айрим ижтимоий қатламлар — руҳонийлар, савдогарлар, фирибгарлар, ёшлар нутқида хос бўлиб, кўп ҳолларда махфийлик, маданиятсизлик ва дағалликни ифодалаш учун қўлланилади. Бадиий адабиётда эса бундай тил бирликлари орқали образ яратишга хизмат қилади. Шу билан бирга, бу сўзларнинг ортқча ишлатилиши маданий нутқнинг бузилишига сабаб бўлиши таъкидланади.

Калит сўзлар: жаргон, арго, вульгаризм, маданий нутқ, нутқ тозаллиги, адабиётда образ яратиш, махфий тил

Annotation: This article analyzes the origin and impact of non-standard linguistic units such as jargon, argot, and vulgarisms on the purity of cultured speech. Such words are often characteristic of specific social groups — including clergy, merchants, swindlers, and youth — and are marked by secrecy or roughness. In literary texts, these elements are used to construct the image of certain characters. However, their overuse threatens the clarity and cultural integrity of speech, and therefore, cannot be positively evaluated.

Keywords: jargon, argot, vulgarism, cultured speech, speech purity, character portrayal, secret language

Нутқнинг тозаллиги масаласи йирик сўз санъаткорлари, олимлар ва нотикларни узоқ даврлардан буён қизиқтириб келмоқда. Тоза нутқ — бу тилнинг барча яруслари бўйича адабий тил меъёрларига мос ва хос ҳолда фикр ифодалашдир.

Маданий нутқнинг тозаллиги фонетик-орфоэпик жиҳатдан сўз ва қўшимчаларнинг тўғри талаффузи билан белгиланади. Лексик-грамматик томондан эса шевага хос сўз ва шаклларнинг ишлатилмаслиги, вульгаризм, жаргон, арго ва турли хил “бекорчи” сўзларнинг қўлланмаслиги билан характерланади. Юқорида қайд қилинганидек, нутқнинг тозаллигини тилнинг софлигини бузувчи номеъёрий факторлардан бири сўз ва қўшимчаларнинг маҳаллийлаштириб талаффуз қилишдир. Масалан: Илтипот (илтифот), парзан (фарзанд), апанди (афанди), инсоп (инсоф), келоппан (келяпман), бордиз (бордингиз), қўшнийиз (қўшнингиз) каби. Айниқса талаффузда “ҳ” ва “х” товушларининг тўғри айтилмаслиги фикр маъносини тамоман ўзгартириб юборади. Шоир Ҳ.Олимжоннинг жизибадор:



Ва кўрдиким ажойиб бир ҳол, Зайнаб турар қайғули ва лол.

Мисрадаги “ҳол” сўзи “ҳол” деб талаффуз қилса, Зайнабнинг аҳволи эмас, унинг юзидаги холи тўғрисида гап бораётган бўлиб чиқади ва маъно бузилади. Ўзбек тили кўп шевалидир. Ҳар бир шевага хос луғавий ва грамматик шакллар мавжуд бўлиб, улар адабий тил меъёри доирасига кирмайди. Фақат сўзлашув ва бадий нутқ услубларида ишлатилади. Шевавий сўз ва грамматик шакллар бадий адабиётда тасвирий восита- маҳаллий колорит яратиш, қаҳрамонлар нутқини индивидуаллаш вазифасини бажаради. Шу билан бир қаторда адабий тилнинг шевалар ҳисобидан бойиб боришига таъсир кўрсатади. Аммо шевага хос унсурларни оммавий нутқларда, ўқув ва ўқитиш жараёнида, радио ва телевизор эшиттиришларида қўллаш ман этилади. Бунга асосий сабаб шева сўзларининг маъноси маълум территория вакилларигагина тушунарли бўлиб, оммафаҳм эмаслигидир. Чоғиштиринг: буви бир шевада она, бошқасида онасининг онаси маъносида.

Додлама, додлама дод саси галди, Қаршининг чўлидан ёр саси галди. Ўлкасидан ўлкая ел каби юрсам, Гунларнинг бирида ёр юзин ўрсам.

Юқоридаги парча “Қуллар” романинг бош қаҳрамони Раҳимдод - Некқадам нутқидан олинган бўлиб, унинг ўзбек тили ўғуз шеваси вакили эканлигини кўрсатиб турибди. Бу ўринда диалектизмлар ўзини оқлайди. Аммо кейинги даврларда эътиборсизлик, масъулиятсизлик, сохта гапиришга уриниш оқибатида айрим ёшларимиз нутқи ғайритабиийлашиб бормоқда. Масалан, Тошкентга ўқишга ёки ишга келган баъзи ёшларнинг Тошкент шевасида гапиришларига дуч келамиз:

- Тошкентда ўқийсизми? - сўраймиз пойтахтлик эмаслиги шундоққина билиниб турган йигитчадан.

- Ҳа, ўқивопман, - дейди йигитча гап бергиси келмай. - Нечанчи курсда?

- Биринчи курсда-де!..

Шўрлик йигит қанчалик чиранмасин, гаплари сохта, нотабиий чиқаверади, деб тўғри қайд қилади, тадқиқотчи олим Сиддиқ Мўмин “Сўзлашиш санъати” китобида. Нутқ тозаллигига путур етказувчи луғавий бирликлардан бири жаргон ва арголардир. Жаргон ва арголар тилдаги сўзларнинг товуш томонини ўзгартириш, бузиб қўллаш, бошқа тиллардан сўз ўзлаштириш ва тилдаги мавжуд сўзларга махсус маъно бериш йўли билан ҳосил қилинади. Бундай сўзлар руҳонийлар, савдогарлар, ўғри ва

фирибгарлар нутқига хос бўлиб, махфийлиги билан характерланади. Бадий адабиётда бу типларнинг образини яратишда айрим жаргон ва арголардан фойдаланилади. Жаргон ва арголар тилни булғайди. Маданий нутқнинг тозаллиги ва софлигига путур етказади.

Кейинги пайтларда ёшлар ҳамда айрим ёшлар нутқида учраётган “дум”, “хачча”, “международный”, “локомотив”, “ништяк” каби маъноси фақат уларнинг





ўзларигагина тушунарли сўзларни ижобий баҳолаб бўлмайди. Нутқ тозалигига салбий таъсир кўрсатадиган тил бирликларидан бири вульгаризмлар ҳисобланади. Вульгаризмлардан бадий адабиётда айрим қаҳрамонларнинг дағаллигини, маданиясизлигини кўрсатиш учун фойдаланилади.

Хулоса қилиб айтганда, нутқнинг вазифавий услублари нутқнинг мақсад ва мазмунига боғлиқ ҳолда турли кўринишда ифода топади. Илмий услуб эса мантикийлик, аниқлик ва ихчамликка асосланган бўлиб, унинг тузилиш хусусиятлари бошқа услублардан кескин фарқ қилади. У фан ва таълим соҳаларида ахборотни самарали етказишда муҳим восита ҳисобланади.

REFERENCES

1. Бабаходжаев Р. "Некоторые методологические вопросы терминологии." чебная терминосфера по избранной специальности сборник материалов научно-практического семинара (2010).
2. Бабаходжаев Р. Русский пласт в гидронимии Ташкента и Ташкентской области //Современные проблемы филологии. – 2020.
3. Бабаходжаев Р. Русский пласт в гидронимии Ташкента и Ташкентской области //Современные проблемы филологии. – 2020.
4. Бабаходжаев Р. Проблемы славянской лексикологии и фразеологии //славянские языки: системно-описательный и социокультурный аспекты исследования. – 2017.
5. Суюнова Д.Д. Научно-теоретический подход к реализации цифровой трансформации внедрения корпоративного управления в акционерных обществах. (Актуальные проблемы развития бизнеса и предпринимчивости в условиях цифровой экономики, международная научно-практическая конференция, 23 декабря 2022 г.).
6. Суюнова Д.Д. Анализ состояния внедрения и развития цифровой экономики в Узбекистане. (Сифровая трансформация в бизнесе и экономике, международная научно-практическая конференция, 21 июня 2023 г.).
7. Суюнова Д.Д. Пути использования автоматизированной информационной системы управления в обеспечении эффективности корпоративного управления. (Сифровая трансформация в бизнесе и экономике, международная научно-практическая конференция, 21 июня 2023 г.).
8. Суюнова Д.Д. Использование цифровых технологий в совершенствовании корпоративного управления. (Сифровая трансформация в бизнесе и экономике, международная научно-практическая конференция, январь 2024 г.).
9. Babaxodjayev, Rashid. "Некоторые методологические вопросы терминологии." chebnaya terminosfera po izbrannoy specialnosti sbornik materialov nauchno-prakticheskogo seminara (2010).





10. Babaxodjayev R. Russkiy plast v gidronimii Tashkenta i Tashkentskoy oblasti //Sovremennye problemy filologii. – 2020.
11. Babaxodjayev R. Russkiy plast v gidronimii Tashkenta i Tashkentskoy oblasti //Sovremennye problemy filologii. – 2020.
12. Babaxodjayev R. Problemy slavyanskoy leksikologii i frazeologii //slavyanskie yazyki: sistemno-opisatelny i sotsiokulturnyy aspekty issledovaniya. – 2017.
13. Boboxodjaev R. X. Primenenie interaktivnykh metodov pri distansionnom obuchenii russkomu yazyku //Uzbek scholar journal. – 2022. – t. 10. – s. 179-182.
14. Boboxo'Jayev R. H. Learning foreign languages online //Science and Education. – 2022. – T. 3. – №. 6. – S. 840-845.
15. Babaxodjayev R. Kommunikativnyeosobennosti funkcionirovaniya evfemizmov //sodrujestvo yazykov sodrujestvo kultur. – 2017.
16. Boboxodjaev R. X. Primenenie interaktivnykh metodov pri distansionnom obuchenii russkomu yazyku //Uzbek Scholar Journal. – 2022. – T. 10. – S. 179-182.

